O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI

Ушбу сонда:

2 Бегуборлик

3 Мерос кимга тегишли?

4 Қийшиқ мўридан эгри тутун чиқади



Петрарка қалбидаги илоҳа

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 22 (529) 2007 йил 5 июнь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

MEZON:

Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир. Яъни, ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган қатор қонунлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йил 29 март куни маъқулланди. 2007 йил 24 апрелда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

Qonunning mohiyati

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ КЎРСАТМАЛАРИ

уни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июнь **«Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармонига асосан, давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металлар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ташкил этилган эди.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Низомнинг 5-бандида Ҳисоб палатаси томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва мансабдор шахслар учун бажарилиши мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган. Низомнинг 9-бандида эса Ҳисоб палатаси ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида текширишларни ташкил этиши ва унинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш ваколатига эга эканлиги таъкидланади.

Қонуннинг мақсади ҳам Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат. Шунингдек, молиявий назорат қилишнинг ғоят муҳим воситаси сифатида унинг фаолияти таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, мазкур соҳада қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишида давлат ва хўжалик тузилмаларининг масъулиятини юксалтиришга эътибор қаратилган. Мансабдор шахсларнинг Ҳисоб палатаси кўрсатмаларини бажармаганлиги учун жавобгарлик чораларини кучайтириш ҳам кўзда тутилади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 1-моддаси биринчи бандига биноан, **«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодексига **«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик»** деб номланган янги 215^2-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддада: **«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш баравариданўн баравариГача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»**, деб кўрсатилган.

Қонуннинг 1-моддаси иккинчи бандида эса, мансабдор шахслар томонидан Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлашга оид ҳуқуқбузарликлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, **«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодексига киритилган мазкур қўшимчалар жамиятда молиявий интизомни таъминлаш, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёнида мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Суръат НАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори





БУЮК БУНЁДКОРЛИК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

буни Ўзбекистон темир йўллари тимсолида кўриш мумкин

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида жуда қисқа даврда асрга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу йўл оғир ва машаққатли бўлганини, бугун эса, ўзининг самараси билан юракларга ғурур бағишлаётганини айтишга ҳожат бўлмаса керак. Келинг, истиқлолга эришган илк кунларимизни бир ёдга олайлик. Ўша кезлар: «Ўзбекистон табиий географик жойлашувига кўра жаҳон океанига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмас, мустақил давлат сифатида иқтисодий қолоқликка маҳкум», деб башорат қилганлар ёдингиздами?! Бизни ўзига тобе этганлар ҳамиша қарам ҳолда кўришни истардилар. Шу боис келажагимизни шубҳа остида қолдириб, ишончимизни синдиришга уринардилар. Бироқ излаган имкон топади. Ўша оғир даврда халқимиз Юртбошимиз раҳбарлигида ўз келажагини барпо этиш мақсадида олға интилди.

2-бет

«ИНСОН ВА ҚОНУН»га жавоб берадилар

Жиззах вилояти Арнасой туманида яшовчи Шафоат Нажмиддинова таҳририятга қуйидаги мазмунда шикоят хати ёзганди.

«2004 йил 30 июнь куни Республика Давлат Мулк қўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 250-сонли олди-сотди шартномасига биноан, Арнасой туман халқ таълими бўлими томонидан сотувга қўйилган, «Қозоғистон» хўжалиги ҳудудида жойлашган «Ойгул» болалар боғчаси бўйича ўтказилган тендер танловида қатнашиб, ғолиб бўлдим. Шартномага биноан, боғчанинг ҳисоб рақамига 6 миллион сўм инвестиция киритиб, уни ўз йўналиши бўйича ишлатишимиз лозим эди.

Биз иш бошлаётган бир пайтда Арнасой туманидаги «Садбарг» хусусий фирмаси раҳбари Мерож Аҳроров туман ҳокимининг 2004 йил 26 майдаги 414-сонли қарорини кўрсатди. Қарорда ёзилишича, «Ойгул» боғчаси «Садбарг» хусусий фирмаси балансига ўтказилган экан. Буни қарангки, Республика Давлат Мулк қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси 2004 йилнинг 30 июнида тендер танлови ўтказаётган бино, 2004 йилнинг 26 майида, яъни танлов ўтказилишидан роппароса бир ой муқаддам «Садбарг» хусусий фирмаси балансига ўтказилган экан...

Мазкур хат юзасидан Жиззах вилояти прокуратурасидан жавоб олдик:

*«...Аниқланишича, «Ойгул» болалар боғчаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 209-сонли қарорига мувофиқ инвестиция киритиш шарти билан фуқаро Ш.Нажмиддиновага бепул берилган Арнасой туманидаги «Ойгул» болалар боғчаси хусусийлаштирилишидан аввал Арнасой туман ҳокимининг 26.05.2004 йилдаги 414-сонли қарори билан «Садбарг» хусусий фирмасига қарз эвазига ўтказилган.*

«Садбарг» хусусий фирмаси ушбу болалар боғчасини 23.08.2004 йилда нотариал тасдиқланган ҳолда фуқаро Ш.Яқубовага 2010300 сўмга сотиб юборган.

Арнасой туман ҳокимининг 2004 йил 26 майдаги 414-сонли қарори 2004 йил 17 декабрда фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан бекор қилинган.

«Садбарг» хусусий фирмаси томонидан болалар боғчасининг фуқаро Ш.Яқубовага сотиб юборилганлиги ҳолати юзасидан туман прокуратураси томонидан тергов олди текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси, 2-қисмига асосан, жиноят иши кўзғатиш рад этилган ва Ш.Нажмиддинова манфаатларига 4,1 миллион сўм зарар етказилган деб топилиб, ушбу суммани ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига даъво аризаси киритилган. Фуқаролик иши ҳозир судда кўрилмоқда.

Қайд этилган ҳолатлар юзасидан вилоят прокуратураси томонидан қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида Арнасой туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

С.А.ШЕРНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят прокурори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

Афсус

Таҳририятга келган бирорта хат эътиборсиз қолмайди. Газета саҳифасидан жой ажратилади ёхуд моҳият-муддаосига кўра тегишли идораларга юборилади — улардан албатта, жавоб олинади.

Бироқ, баъзида шундай «шикоят»лар ҳам бўладики, нима дейишингизни билмайсиз. Қуйидан то юқори идораларга кетма-кет жўнатиладиган, текшириб кўрилса ҳеч бир далил ва даъвоси тасдиғини топмайдиган, асоссиз шикоятлар қанчалаб кишиларнинг вақтини олади, қанчалаб мутасадди ташкилотларни чалғитади. Шу мавзудаги «Қийшиқ мўридан эгри тутун чиқади» сарлавҳали мақолани тўртинчи саҳифада чоп этаяпмиз.

4-бет

РАҚАМ

Шартнома маданияти

Адлия идоралари ходимлари 2007 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун 3925 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан 93426 та ва давлат эҳтиёжлари учун 2938 минг тоннадан ортиқ бошоқли дон етказиб бериш бўйича 96340 та контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сервис хизматлари кўрсатиш бўйича 80470 миллион сўмлик 65144 та, 409365 миллион сўмлик минерал ўғитлари етказиб бериш бўйича 113964 та ва нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 114257 та тузилган шартномаларнинг қонунийлиги адлия органлари томонидан ўрганиб чиқилди.

2-бет

Yangi rukn: Tadbirkorga to`siq bo`lmang!

Чора кўрилди, жавобгарлик белгиланди

Маълумки, жорий йилнинг 29 март куни Олий Мажлис Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241^1-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Қонун тасдиқланди. Унда қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш ёки унинг фаолиятига ғайриқонуний аралашганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги **"Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"**ги қарорига асосан, адлия органлари зиммасига тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш юклатилганлигидан келиб чиқиб, юқоридаги моддада белгиланган ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этган шахсларга нисбатан қонун доирасида чоралар кўрилмоқда.

Масалан, Хазорасп туман Давлат тижорат Халқ банки бош ҳисобчиси З.Ибрагимов "Пирнафас Жалолиддин" фермер хўжалигининг 2007 йил 7 мартдаги Хазорасп туман Агросаноат мажмуи ҳисоб рақамига пул ўтказиш ҳақидаги 18-сонли тўлов топшириқномасини асоссиз равишда 7 кунга кечиктириб ижро этган. Бу ҳаракати билан у фермернинг қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган.

Юқоридаги ҳолат юзасидан адлия органи ходимлари томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Хазорасп туман судига юборилди. Мазкур суд қарори билан З.Ибрагимов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241^1-моддасига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жаримага тортилди.

Шунингдек, Оҳангарон шаҳридаги "Пахтабанк" бўлими томонидан "Оҳангарон Агросаноат" хусусий корхонасининг ҳисоб-варақлар бўйича банк операциялари Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони талабларига зид равишда тўхтатиб қўйилиб, унинг фаолиятига тўсқинлик қилинган.

Адлия органи ходимлари томонидан ушбу ҳолат юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судига юборилди. Суд ўзининг 2007 йил 26 апрель кунги қарори билан "Пахтабанк"нинг Оҳангарон туман филиали бошқарувчиси Б.Менглибоевга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241^1-моддаси билан жарима жазоси тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун тўлиқ қонуний асослар мавжуд ва уларнинг ижросини таъминлаш адлия органлари ходимларининг доимий назоратидадир.

Шерзод АМИНҚУЛОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Ўз-ўзидан аёнки, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир.

Ислом КАРИМОВ

Мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори

БУЮК БУНЁДКОРЛИК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

буни Ўзбекистон темир йўллари тимсолида кўриш мумкин







(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бунинг самарасини биргина йўлсозлик борасида ҳам яққол кўриш мумкин. Темир йўллар иқтисодиётимизнинг қон томири. Ҳозир мамлакатимиз экспорт ва импорт алоқаларининг асосий қисми темир йўл орқали амалга оширилади. Бугун бу соҳа халқимиз фаровонлиги, иқтисодиётимизнинг барқарорлиги, мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга муносиб улуш қўшмоқда. Аммо бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан темир йўл транспорти хизматини замон талаблари даражасига кўтариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Аввало, бу тузилмада ислоҳотлар ўтказилиб, техник жиҳатдан қайта жиҳозланди, шу билан бирга, ягона темир йўл тизимини барпо этиш мақсадида янада кўламли ишлар қилинди.

Айниқса, Президентимизнинг 2001 йил 2 мартдаги **«Темир йўл транспортини акционерлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»**ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сонли **«Ўзбекистон темир йўллари ДАТК бошқарувини такомиллаштириш ҳақида»**ги қарори бу ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Шунга кўра, мамлакатнинг барча ҳудудини қамраб оладиган ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик ягона темир йўл транспорт тизими яратишга киришилди.

Эҳтимол, кўпчилик яхши билмас, аввало, мамлакатимизнинг шимолида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига Туркманистон орқали 360 километр, худди шунингдек, Сурхондарё вилоятига етиб олиш учун яна Туркманистон орқали 184 километр, Фарғона водийсига поездда бориш учун Тожикистон орқали 100 километр йўл босиб ўтилган. Қўшни давлатларга таллуқли темир йўлдан фойдаланганимиз учун катта миқдорда бож-валюта тўланган, шу билан бирга, у ташқи сиёсатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида узунлиги 342 километр бўлган Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус ҳамда 223 километр масофага чўзилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон магистралида пўлат излар ётқизилди. Албатта, янги темир йўл яратилди, деб айтиш осон, аммо бу улкан иншоотлар қандай меҳнат ва матонат билан барпо этилганини, мамлакатимиз ҳаётида қандай иқтисодий-иҳтимоий, сиёсий аҳамият касб этганини очиб бериш қийин.

Мамлакатимизда ягона темир йўл тизимини барпо этиш ва уни такомиллаштириш ҳар бир минтақадаги фойдали қазилмаларни яхлит ўзлаштириш, одамларнинг узоғини яқин қилиш, қўплаб янги иш ўринларини очиш, йирик саноат корхоналари бунёд этиш, валюта маблағларини тежаш ва энг муҳими, транзит юк ташиш имкониятларини яратади. Бу эса, Ватанимиз салоҳияти янада ўсишига хизмат қилади.

Келинг, шу ўринда бундан беш йил муқаддам қурилиб, фойдаланишга топширилган Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темирйўли фаолиятига бир назар ташлайлик. Асосан чексиз қумликлар, аниқроғи, чўл ҳудуди орқали ўтувчи мазкур темирйўл бугунги кунда катта миқдордаги экспорт-импорт ва транзит юклар ташилишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, янги темир йўл ишга туширилиши муносабати билан улкан инфратузилма юзага келди, қўплаб ижтимоий-маиший бинолар барпо этилди, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Сахро бағрига қайноқ ҳаёт нафаси кириб борди. Бу эса, шу минтақада яшайдиган инсонлар ҳаётига жўшқинлик бағишлади. Бир мисол. Учқудуқ яқинидаги Бузовбой овулида темирйўл маблағи ҳисобидан янги умумтаълим мактаби қуриб берилди. Қанчадан-қанча станция ва разъездлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мискин станциясида бунёд этилган тиббиёт масканида ҳозир темирйўлчилар билан бирга, маҳаллий аҳоли ҳам малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлмоқда.

(Давоми келгуси сонда)

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири
(ЎзА олган суратлари)

Konstitutsiya saboqlari

Асосий принциплар



ИККИНЧИ МАҚОЛА

Ушбу бўлим 4 боб, 17 та моддадан иборат. «Давлат суверенитети», «Халқ ҳокимиятчилиги», «Конституция ва қонуннинг устунлиги» ва «Ташқи сиёсат» деб аталган боблар Ўзбекистоннинг қандай давлат эканлигини англатади. Конституциямизнинг 1-моддасида **«Ўзбекистон — суверен демократик республика»** деб белгиланки, бу жамиятимизнинг бош мақсадини ифодалаб беради. Демак, биз мустақил ривожланиш йўлидан демократик тамойиллар орқали қадам ташлаймиз.

Кейинги модда давлатнинг қандайлигини кўрсатади: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»**. Бу сатрлар демократиянинг ажралмас ва узвий шартлари бўлиб, мамлакатимизда, аввало, халқ манфаатлари устувор эканлигини билдиради. Ҳаётимизда кишилар ўртасида баъзан турли манфаатлар тўқнашуви рўй бериб туради. Хўш, бундай ҳолатларда масала қандай ҳал этилиши керак? Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзан мансабдор шахс ўз лавозими, мансаб ваколатини суиистеъмол қилади. Унинг хатти-ҳаракати нотўғри эканлигини қандай исботлаймиз? Бундай ҳолатда Конституция бизга куч-қудрат бахш этади. Албатта, бунинг учун Бош Қомусимизни яхши билишимиз керак. Ундан бехабар одам ўз ҳуқуқини англай олмаслиги турган гап. Худди шу бобда Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилаши, ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириши белгилаб қўйилган. Давлат чегараси, давлат тили, давлат рамзлари жаҳон тан олган тамойилларнинг тасдиғидир.

«Халқ ҳокимиятчилиги» бобида аввалги моддалардаги «давлат халқ иродасини ифода этиши» ҳақидаги ғоялар изчил давом эттирилади. Шу боисдан ҳам 7-моддада лўнда қилиб **«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»**, дея таъкидланади. Хўш, бу нималарда кўринади? Кейинги сатрларга назар ташланг: **«Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади»**.

Биз Ўзбекистон халқи, деганда кимни тушунамиз? Фақат ўзбек миллатига мансуб шахсларними? Бу ҳақда 8-моддада аниқ айтилган: **«Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»**. Биргина шу моддада мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқларнинг якдиллиги, бирдамлиги акс этиб турибди. Конституцияда битилган ушбу тамойилга амал қилган халқ чинакам буюк давлат қуришга бел боғлаган.

Ўзбекистонда ҳокимият принциплари қандай эканлиги хусусида сўзласак.

11-моддада баён этилишича, **Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади**. Бу ўринда нафақат давлатнинг идора қилиниши, балки халқ манфаатларини кўзловчи институтлар қай тартибда жойлашганлиги ифода этилган. Ушбу моддани билган одамгина ҳокимиятнинг қайси тизимидан нималар кутиш мумкинлигини тасаввур эта олади.

Аввалги моддалардан маълумки, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда. Шундай экан, бу мамлакатда демократия қай тарзда татбиқ этилади? Бу саволга 13-моддадан жавоб топиш мумкин: **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»**. Мазкур сатрларда иймон ва диёнатни қалб шиори қилиб олган ота-боболаримиз мероси, жамиятдаги жамики неъматларни инсоннинг фаровон турмуши учун йўналтираётган давлат ғамхўрлиги мужассам. Бу сўзларни юракдан англаган одам бутун вужудини, иқтидори ва қобилиятини она Ватанга сарф этиши муқаррар. Инсон манфаатлари олий қадрият саналган мамлакатда бунёдкорлик ғоялари устувор саналади: **«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади»**. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат идорасида ўтирган мансабдор ушбу талабни унутмаслиги керак, борди-ю унутса, ундан сиз ва биз талаб қилишимиз лозим.

Қонунлар нега қабул қилинади? Табиийки, ижро этиш учун. Хўш, бизнинг мамлакатимизда қонунлар ижроси учун кафолат борми? Ҳа, бор. Бу Конституциямизнинг III боби («Конституция ва қонун устунлиги»)да алоҳида ёзиб қўйилган. 15-моддада таъкидланганидек, **«Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади»**.

Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Кимдир эгри қадам ташласа, жамият қонунлари олдида жавоб беради. Айтайлик, кимдир Конституция моддаларини ўз манфаати йўлида, яъни бошқаларнинг ҳуқуқини поймол қилиш мақсадида ишлатишга ҳаракат қилди. Бироқ адолатли қонунчилигимизда бунга йўл қўйилмайди. Чунончи, Конституциямизнинг 16-моддасида: **«Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас»**, деб кўрсатилган. Худди шу модда орқали ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

«Ijtimoiy himoya yili» Davlat dasturi amalda

Бағри бегубор болалик

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи ҳам айнан ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилгандир.

Мазкур буйруқ асосида Бўка туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Жумладан, туман Халқ таълими бўлими билан биргаликда ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларнинг рўйхати тузилиб, уларнинг оилавий шароити ўрганилди. Ота-оналарига жавобгарликни ошириш чоралари белгиланди.

Ёшлар ўқишдан бўш вақтларида турли фойдали машғулотлар, спорт тўгаракларига жалб қилинмоқда. Жорий йилнинг бошида туман прокуратурасининг ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан 4 босқичдан иборат «Чарм-тўп» футбол мусобақаси ўтказилиб, иштирокчилар ва ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Бу каби тадбирлар самараси ўлароқ, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик кескин камайиши баробарида, болаларнинг ўзига, давлат ва жамиятимизга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғуларини янада оширишга эришдик.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури»дан келиб чиққан ҳолда, туман прокуратураси томонидан тумандаги кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон ва боқувчисини йўқотган болалар аниқланиб, рўйхатга олинди ва уларнинг ижтимоий ҳимояси ижроси юзасидан мунтазам назорат ўрнатилди.

Тумандаги 585 нафар ногирон болалар янги технология асосида тайёрланган протез — ортопедия жиҳозлари билан таъминланди. Ҳар доим уларни байрам дастурхони атрофида совға-салом ва моддий ёрдам билан таъминлаш одатга айланган. Туман прокуратурасининг ташаббуси билан 15-сонли меҳрибонлик уйининг 141 нафар турли сабаблар билан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган тарбияланувчилари тумандаги 70 та ташкилотларга ҳомийликка берилган. Ҳар бир ҳомий ўз қарамоғига олган болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Уларнинг келажакдаги ҳаётини таъминлаш мақсадида ДТ Халқ банки бўлимларида ҳар бир тарбияланувчи учун ҳисоб варақаси очилган.

Ўтган йили Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилган футбол, баскетбол майдонлари меҳрибонлик уйи болаларининг энг севимли масканларидан бирига айланди. Бассейн қуриш учун эса 150 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Туманда амалга оширилаётган бу каби эзгу амаллар Давлат ва жамиятимизнинг саховат ummonidan бир қатра, холос.



Демократик давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири, кучли ижтимоий ҳимоя азалий қадриятларимиз давоми экан, инсон манфаатларининг кафолати — ислоҳотлар жараёни давом этаверади.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Бўка туман прокурори,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Маҳалла

одамлар ўртасида меҳр-оқибат, эзгулик ришталари боғланган маскан

Ижтимоий ҳимоя инсон манфаати, унинг моддий ва маънавий ҳимояси билан боғлиқ хайрли, савобли ишнинг узвий қисмидир. Унда бизнинг миллатимизга хос бир ноёб ижтимоий тузилма — маҳалланинг ўз ўрни бор. У қадриятларимизни эзозлашда, ўзини ўзи бошқаришда бебаҳо аҳамият касб этади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг бу муҳим шакли ижтимоий ҳаётда тобора муҳим ўрин тутиб бормоқда. У халқимизнинг руҳиятига тўла мослиги, тарихий анъаналар асосида тузилганлиги учун ҳам асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Азал-азалдан маҳалла одамларнинг ишончини қозониб келган. Ана шу жиҳатдан, маҳалла ўз фуқароларининг қай тарзда ҳаёт кечираётгани, ўй-ташвишлари, мавжуд муаммоларни қай йўл билан бартараф этишни яхши билади. Бу эса маҳалла аҳлининг ўзаро эзгулик, меҳр-шафқат ришталарини мустаҳкамлайди ва ўша масканда тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтиради. Маҳаллада қарор топган инсон омилига эътибор мамлакат миқёсида давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг бир кўринишидир.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Нафақа таъминоти, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига давлат томонидан ажратилаётган турли тўловлар, ойлик маошларининг ошириб борилиши фуқаролар турмушини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Саховатпеша инсонларнинг ёрдамга муҳтож кишиларга кўрсатаётган кўмаги эса ўзбек халқининг меҳр-оқибатли ва саховатли эканидан далолатдир. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя борасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти фақат шулар билан чегараланиб қолмайди, албатта. Чунки аҳолини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш дегани, фақат молиявий ёрдам беришни эмас, балки фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек кенг кўламли ишларни қамраб олади.

Ёқуб БОҚИЕВ

Talqin

Шартнома маданияти

унинг юксалиши замирида турли хил муносабатларга киришувчилар ўртасида ҳамкорлик, мажбурият ва масъулият ётади

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида хилма-хил мулк шакларига асосланган иқтисодий тизим вужудга келди. Маълумки, бундай шароитда фаолият юритиш шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар даражасида олиб борилиши зарур. Кейинги йилларда шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган ва 1997 йилнинг 1 мартидан амалда қўлланилиб келинаётган Фуқаролик Кодекси шартнома интизомини тартибга солиб, барча қоидаларни ўзида мужассамлаштириб, тадбиркорларимизга хизмат қилиб келмоқда. Шартнома муносабатларини тартибга солиб туришга йўналтирилган меъёрлар бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат принципи асосида белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонунининг қабул қилиниши эса Фуқаролик Кодекси қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш учун шароит яратди. Шартномавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратишдан кўзланган асосий мақсад – шартнома маданиятини юксалтиришдан иборат.

Шартнома маданиятининг юксаклиги замирида шу жамиятда турли хил муносабатларга киришувчилар ўртасидаги иттифоқлик, қўйилган мажбуриятларни тўғри ва аниқ тушуна олиш ҳамда ваз ифаларнинг бажарилишида тўлиқ маъсулиятни ҳис қилиш омиллари ётади.

Бирор-бир тадбиркорлик субъекти шартнома тузмасдан туриб, тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларни, келажакдаги тадбиркорлик режаларини, олди-сотди ёки бошқа битимларни амалга оширишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларининг натижаси, кўзда тутилган тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг якуни жуда кўп ҳолатларда ушбу шартноманинг қандай тузилганлиги ёки расмийлаштирилганлигига боғлиқ бўлади.

Республикамизда ўтказилган ислоҳотлар натижасида турли мулк шакллари, янгидан-янги хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий майдонга чиқди. Масалан, биргина қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида республикамизда 200 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилиб, ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Бугунги кунда шартномавий муносабатларда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил олиб борилишини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда бир қатор идоралар фаолият юритмоқда. Хусусан, хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлигига юклатилганлигидан келиб чиққан ҳолда, ушбу идора ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалиётда қўлланиладиган турли хилдаги шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, амалиётда қўллаш учун кенг оммага етказмоқда.

Хусусан, вазирлик томонидан мамлакатимизда энг муҳим соҳа ҳисобланган қишлоқ хўжалигида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва бошоқли дон етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларининг намунавий лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Шу билан бир қаторда, Адлия вазирлиги фақатгина шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг қонуний тузилишини ҳам таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг энг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, аввало, бу соҳада тузилаётган шартномаларнинг қонунга мос равишда тузилишини таъминлашимиз, айниқса, уларнинг ижросини ўз вақтида амалга оширилишига эришишимиз лозим.

Чунки ҳар томонлама мукаммал тузилган шартномалар тадбиркорлик фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,
Адлия вазирлиги ходими



Xatlarda hayot aksi

Йўқолган «ёрдам»...

Қаламкаш халқи яхши билади. Ҳамма соҳада бўлгани каби журналистиканинг ҳам ўзига яраша ёзилган ва ёзилмаган қоидалари бор. Ёзилган қоидалар ўз ўрнига. Чунки уни ҳамма билади. Лекин ёзилмаган қоидалар орасида «хат ортида инсон бор», деган қоида ҳам борки, уни кўпчилик билмаса керак. Биз айнан ана шу қоидага амал қилган ҳолда таҳририятга ишониб, биздан ёрдам сўраб мактуб йўллаган ҳар бир фуқарога имкон даражасида кўмак беришга ҳаракат қиламиз. Айримларини тегишлилиги бўйича мутасаддди идоралар эътиборига ҳавола этсак, баъзиларини саралаб, газета саҳифаларида чоп этамиз. Албатта, барча шикоятчилар мутлақ ҳақ, деган фикрни айтишдан йироқмиз. Лекин шу билан бирга уларнинг арзу ҳолларига бефарқ ҳам қарай олмаймиз...

Хуллас, марҳамат, мактублар билан танишинг ва хулоса чиқаринг.

МЕНИ НЕГА АЛДАШДИ?..

Мен Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Қипчоқ» маҳалласи ҳудудидаги 9-бригадада яшайман. Ўзим 2-гуруҳ ногиронман. 2003 йилда турмуш ўртоғим Абдусамат Қурбонов вафот этгач, ёлғиз қолдим. Ҳар ойда 40 минг 400 сўм нафақа оламан. Ҳукуматимизга мингдан минг раҳмат. Биз каби ёлғиз ва қаровчисиз кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ёрдам бериб келаяпти. Лекин айрим мутасаддилар ҳукуматимиз томонидан беғараз ажратилаётган ёрдам пулларига ҳам кўз тикишаяптики, айнан ана шу муаммо мени сизларга шикоят ёзишга мажбур қилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, мен моддий кам таъминланган кексалар ҳисобига кираман. Шунинг учун 2005 йилда маҳалла томонидан ёрдам пули ажратилди. Ушбу ёрдамни тўлиқ олдим. Лекин 2006 йилда ажратилган уч ойлик ёрдам пули(ҳар ойга 16 минг сўм)нинг 32 минг сўмини олдим. Охирги бир ойлигини эса менга номаълум сабабларга кўра, Ийк-ота жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган алоқа бўлими ходимлари беришмади. Буни фуқаролар йиғини котиби ҳам тасдиқлаши мумкин. Алоқа бўлими ходимлари менга «охирги ойга тегишли 16 минг сўмни олгансиз», деб туҳмат қилишди. Ахир, олганимда бу ҳақдаги ҳужжатга имзо чеккан бўлдим-ку? Лекин улар ушбу ҳужжатни фуқаролар йиғини котибига ҳам кўрсатишмади.

Сизлардан илтимос, алоқа бўлими ходимларидан ҳақимни олишимга ёрдам берсангизлар.

Раҳима АКБАРОВА,
Тошкент вилояти,
Юқори Чирчиқ тумани

САККИЗ ЙИЛЛИК АЛИМЕНТ...

1995 йилда Муродилла Худойқулов билан қонуний оила қурдик. Никоҳимиз даврида фарзандларимиз 1996 йилда Шаҳноза ва 1998 йилда Сардорбек Нуралиевлар – дунёга келишди...



Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ёзиб, сизларнинг қимматли вақтларингизни олиб ўтирмайман. Тақдир экан, 1999 йилда Фуқаролик ишлари бўйича Жарқўрғон туман суди қарорига кўра қонуний ажрашдик. Суд собиқ турмуш ўртоғим Муродилла Худойқулов зиммасига икки фарзандимиз воягa етгунига қадар моддий таъминлаш, яъни алимент тўлаб туриш масъулиятини юклатди. Лекин орадан саккиз йилга яқин вақт ўтаётган бўлишига қарамасдан, М.Худойқулов ҳозиргача болаларимга бирор сўм алимент тўлагани йўқ. Мен бу масалада туманимиздаги бир қанча мутасадди идоралар раҳбарларига мурожаат қилдим. Афсуски, улар менинг арз-додимга панжа орасидан қарашди. Шунинг учун ҳам охир-оқибат сизларга мактуб ёзишга қарор қилдим.

Муҳаббат ШЕРАЛИЕВА,
Сурхондарё вилояти,
Шўрчи тумани,
Бобур маҳалласи,
Ат-Термизий кўчаси, 3-уй

«БИЗНИ КИМ ЭШИТАДИ?..»

Мен Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Лисунова 1-массив, 64-уй, 18-хонадонда истиқомат қиламан. Биз яшаётган кўпқаватли уй «Баҳор» маҳалласи ҳудудидаги «Шерик-Сервис» уй-жой мулкдорлар ширкатига қарайди. Маҳалла аҳли ва кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари 2004 йилдан буён «Шерик-Сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати директори Т.Волкованинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари юзасидан туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ва тумандаги бошқа қатор мутасадди идораларга шикоят-ариза ёзамиз. Ширкат директори Т.Волкова 2004 йилда ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун ўз вазифасидан озод этилган эди. Лекин орадан маълум вақт ўтиб, у яна директорлик лавозимига ўтирди. Шундан буён Т.Волкова атрофдагиларга тинчлик бермай келмоқда. Бизнинг туман раҳбарларига йўллаётган аризаларимиз эса сувга тушган тошдек изсиз кетмоқда. Бошқа юқори идоралар номига ёзилган аризаларимиз эса негадир ҳар доим туман ҳокимлигига қайтиб келади. Шунинг учун «бизларни ҳам кимдир эшитиши керак-ку», деган мақсадда сизларга мактуб йўллаяпман.



Агар имконияти бўлса, таҳририятдан мухбир ажратиб, бизнинг муаммомиз юзасидан журналист текшируви ўтказсангизлар...

Муҳаббат Якубова,
Тошкент шаҳри,
Ҳамза тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: Сўзимиз аввалида таъкидлаб ўтганимиздек, биз бу ўринда бировни ҳақ ёки ноҳақ, деб ҳукм чиқариш фикридан йироқмиз. Фақат биргина саволимиз бор: Маҳалла, борингки, нари борса, туман миқёсида ҳал бўлиши мумкин бўлган масала нега бунча чигаллашиб кетди?.. Наҳотки, ушбу катта-кичик муаммоларни ўз вақтида ва ўз жойида ечишнинг иложи бўлмаса?..

Рукн учун масъул: Ислом ҲАМРО

Tizim tadbirlari

МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Адлия вазирлигида "Ўзбекистонда адвокатурани ривожлантириш йўналишлари: тажриба ва муаммолар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни Адлия вазирининг ўринбосари С.Холбаев олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари, адвокатура вакиллари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Бугунги кунда кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этиш давр талабига айланди.

Кейинги йилларда ушбу тизимни ислоҳ қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Бироқ бу соҳада ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина эканлиги кўзга ташланмоқда. Бу ҳолат адвокатларнинг касб малакасини ошириш, адвокатларнинг касб-этика қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлишга қўйиладиган талабларни кучайтириш, адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам сифатини ошириш, адвокатларнинг касбий, ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда яққол намоён бўлмоқда.

Суҳбат иштирокчилари адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеини янада ошириш мақсадида мавжуд муаммоларни ҳал этиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Адлия вазирлигининг ахборот маркази

Соддалаштирилган тартиб

Адлия вазирлигида «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Адлия вазирининг ўринбосари С. Холбаев мазкур мавзу айни кунда даврнинг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлади. У ўз нутқида 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олишга бағишлаб ўтказилган Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда Юртбошимиз томонидан барча соҳалар қатори бу йўналишга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилганлигини баён қилди. Таъкидландики, Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги **«Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарорининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини ихтиёрий тугатишни соддалаштирилган, қулай тартибини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Аёл ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоя» мавзуида амалий семинар ўтказилди. Унда адлия бошқармаси томонидан нашр қилинган «Оила, жамият ва қонун» номли китоб йиғилиш иштирокчиларига тарқатилди. Ушбу китобнинг мазмун-моҳияти айнан аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли. Семинарда Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар адлия, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари, Республика «Оила» маркази, шунингдек, зиёлилар, олимлар ва бошқа мутасадди ташкилот ходимлари иштирок этдилар.

Гулсун ШОДИЕВА

Ўтган йили шундай воқеа содир бўлган эди. Бир аёл турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг беш яшар қизчаси билан бошқа турмуш қилишга мажбур бўлди. Орадан бироз вақт ўтгач, марҳум эри билан бирга яшаган уйни сотишга қарор қилган, бундан хабардор бўлган қайноғалар билан келин ўртасида уй-жой мулкига эгалик қилиш можароси бошланди. Иш охир оқибат судга бориб тақалди. Суд аёлнинг марҳум эридан қонуний фарзанди борлигини эътиборга олиб, уйни аёлга тегишли, деб қарор чиқарди. Натижада орада низо келиб чиқди...

Izoh

Мерос кимга тегишли?

Маълумки, меросга доир муносабатлар жуда олис ўтмишдан одамлар ўртасида жиддий тортишув ва келишмовчиликлар туғилишига сабаб бўлиб келаётган муаммолардан бири саналади.

Хусусун, Фуқаролик Кодексининг 5- бўлимидаги бир қатор моддалар ана шу масалага ойдинлик киритишга хизмат қилади. Унда одамлар ўртасида мерос шакли турли тартибда тузилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1118-моддасида қайд этилишича, меросхўрлар мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, **мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.**

Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкий ҳуқуқларига, шу жумладан, никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган молмулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.

Агар мерос қолдирувчи билан тузилган никоҳ мерос олгунга қадар амалда бекор бўлган бўлса ва мерос олгунга қадар камида беш йил мобайнида эр ва хотин алоҳида-алоҳида яшаганликлари исботланса, суднинг қарори билан эр (хотин) қонун бўйича ворисликдан четлаштирилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий заминлари мустаҳкам давлатимизда қонунларимиз ҳар қадамда мушкулимизни осон қилади. Юзага келаётган муаммоли вазиятларнинг бартараф этилиши мустақил ватанимизнинг қонунчилик салоҳияти қанчалик қудратга эга эканлигини кўрсатади.

Тоҳир ҚАЮМОВ

ЗАКАЛАТ НИМА?

Фуқаролик кодексининг 311-моддасида закалат ҳақида тушунча берилган. Унга кўра, шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул маблағи закалат ҳисобланади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг миқдоридан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак.

Шартномадаги тараф амалга оширилиши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўланган маблағ закалат эканлигига, хусусан, ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган қоидага риоя қилинмаслиги оқибатида шубҳа туғилган тақдирда, бу маблағ, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнак сифатида тўланган ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 312-моддасида закалат билан таъминланган мажбуриятни бекор қилиш ва бажармаслик оқибатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (ушбу кодекснинг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда закалат пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, закалат миқдорини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарни тўлаши лозим.

Нурали БОЗОРОВ

Fikr va taklif

Аудитор текшируви

стандарт ҳужжатлар нега керак?

Аудиторлик. Ушбу атама ҳозирда иқтисод соҳасида мустаҳкам ўрин олдики, эндиликда кўпчилик бу ҳақда маълум бир тасаввурга эга. Ҳар қандай ташкилот, корхона ёки фирманинг энг нозик бўғини — бухгалтерия, молия ҳисоб-китоблари қанчалик пухта эканлигини назорат қилиш, қонунийлигини тасдиқлаш айнан шу фаолият орқали амалга оширилади.

Шу боис аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун мустақиллик йилларида тегишли қонуний-ҳуқуқий база шакллантирилди. Уни фаол ривожлантириш учун амалий иқтисодий рағбат ва солиқ имтиёзлари ҳамда перефенциялар яратилди, лицензиялар бериш тизими соддалаштирилиб, либераллаштирилди.

Тараққиёт бетўхтов ривожланиш, ютуқ ва камчиликларсиз бўлмагани каби аудиторлик фаолиятини ташкил этиш борасида ҳам маълум муаммолар мавжуд. Бу биринчи галда ҳужжатлаштириш тизимидаги айрим мисолларда кўзга ташланади.

Маълумки, аудиторлик компаниялари ўз ишининг пухта ва сифатли бўлиши учун тегишли ҳужжатларни тузади. Афсуски, ҳозирча уларни тузиш бўйича маълум бир стандартлар йўқ. Демак, қанча аудиторлик корхоналари бўлса, аудиторлик ҳужжатларини тузиш шакли шунчалик хилма-хил.

Хўш, аудиторлик текшируви ҳужжатларининг стандартлари нима учун зарур?

Бунга биринчи навбатда «Аудиторлик ҳисоботи»ни келтириш мумкин.

Ҳақиқатан, аудиторлик ҳисоботлари ранг-баранглиги, расмийлаштирилиши жиҳатидан турлича. Масалан, айрим шундай ҳужжатлар ҳажми ўн бетга ҳам етмаган ҳолда, иккинчи бири 100 бетдан ошиб кетади. Айрим ҳолларда матн варақ бўйича эмас, эни бўйлаб тайёрланади. Баъзи ҳисоботларда матн ҳеч бир бўлим, абзацларга ажратилмай, қолип шаклида берилса, бошқа бирларида бўлимлар, график-чизмалар, жадваллар қалаштириб ташланади. Ҳисоботнинг ўзи эса рангли буклетни эсга солади.

Амалда, ҳозир «Аудиторлик ҳисоботи» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи» шаклида келтирилиб, бирдек тенг маънода қўлланилади. Тегишли меъёрий ҳужжатларда унинг қатъий белгиланган номи келтирмаганини англатади. Мазкур ҳол аудиторлик хизматидан фойдаланувчиларни чалкаштириб, қатор англашилмовчиликларни пайдо қилади. Ахир ишдан фойдаланувчилар ишини осонлаштирадиган бухгалтерлик ҳисоботи шакллари мавжуд-ку? Уларда маълум бир жадвал, устун нимани англатишини, керакли маълумотни қаердан олишни тез англаб олиш мумкин. Шундай экан, аудиторлик ҳужжатларининг стандартлаштирилган шаклини тузиш нега мумкин эмас?

Агар стандартлаштирилган шакл бўлганида, текширувни янада чуқур, сифатли расмийлаштириш, ҳисобот тузиш шаклини бирхиллаштиришнинг имконияти пайдо бўларди.

Карим РАҲМОНОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистранти

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 26 майдан 1 июнь ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 2007-03, 33, 289-В-сонли қарори.*

2007 йил 26 майда 1682-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).

2. "Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 2 майдаги 131-сонли буйруғи.*

2007 йил 26 майда 1646-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).

3. "Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 20 апрелдаги 62-сонли буйруғи.*

2007 йил 26 майда 1186-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).

4. "Донни сақлаш, қуритиш, тозалаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнидаги камайиш ва йўқотишларни қоплаш учун молиявий захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 25 апрелдаги 41, 2006-45-сонли қарори.*

2007 йил 26 майда 1683-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).

5. "Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 22 апрелдаги 100, 2006-44-сонли қарори.*

2007 йил 26 майда 1684-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).

Айрим оилаларда ота-оналар, қонунни пухта билмайдиган ёшларнинг айби билан гоҳида хунук оқибатларга олиб келаётган қонунбузарликлар рўй бераётгани сир эмас. Эътиборсизлик туфайлими ёки юз-хотирлик боисидан, баъзан тўй олдидан ўқиладиган шаръий никоҳ билан қаноатланиш кейинчалик кўп мушкулликларни туғдиришига лоқайд қарамаслик лозим. Эртага дўппи тор келиб, бирор-бир келишмовчилик юзага чиқса, ёш оила ажрашса, мол-мулкдан ўз улушини оламан, деган келин-куёв сарсон бўлиб юради. Бундан ҳам аянчлироғи эса, шаръий никоҳ билан кифояланган икки ёш ўртасида пайдо бўлган фарзанд қонуний никоҳсиз туғилган фарзанд, деган ном олади.

Huquqshunos mulohazasi

Никоҳ шартномаси

Эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқи мажбуриятларини белгиловчи ахдномадир



Шаръий никоҳ билан қаноатланиб, қонуний никоҳдан ўтмасликнинг олдини олиш учун жойлардаги ФҲДЁ бўлими ходимлари, туман ҳокимияти қошидаги хотин-қизлар, маҳалла қўмиталари ёшларнинг тўйдан олдин қонуний никоҳдан ўтишини қатъий талаб қилишлари керак. Баъзи бир ёшларнинг қонуний никоҳдан ўтмаганига бошқа сабаб ҳам бор. Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланган. Надоматлар бўлсинки, бугун айрим жойларда балоғатга етмаган қизларни турмушга узатишаяпти. Шу туфайли улар шаръий никоҳ билан кифояланиб қолишаяпти.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»**ги қарорига асосан тиббий кўрикдан ўтказиш фақат турмуш қурадиган йигит ва қизнинг розилиги билан, ФҲДЁ бўлими йўлланмасига асосан, жойлардаги поликлиникалар ва соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа муассасалари томонидан бепул амалга оширилади. Қолаверса, тиббий кўрик натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у иккинчи тарафга йигит ва қизнинг розилигисиз ошкор этилмайди. Демак, тиббий кўрикдан ўтишдан чўчимаслик керак.

Оила қурадиган ёшлар яна бир нарсани билиб олишлари лозим: Оила кодексининг 29-моддасида никоҳ шартномаси банди мавжуд. **Никоҳ шартномаси — эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларини белгиловчи ахдномадир.**

Никоҳ шартномаси никоҳга қадар ёки никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. У нотариал тартибда тасдиқланади. Никоҳ шартномаси оиладаги моддий, мулкий масалаларга доир ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ белгилаб қўйишга мўлжалланган-дир. Шартнома эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли мулкни аниқлаб олиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида оиладаги мулкий низоларни одилона ҳал қилишга ёрдам беради. Албатта, никоҳ шартномаси тузиш мажбурий эмас, тузилгач эса, унда баён этилган талабларни бажариш мажбурийдир.

Биз, бошқа элат ва миллатларга қарагандa, болажон халқмиз. Ўғил-қизларимизнинг бахтли турмуш кечиришларини ният қилиб, умр бўйи топган-тутганинимизни сарфлаб тўй қиламиз. Емай-ичмай, сарпо йиғамиз, иморатлар қурамиз. Бироқ уларнинг ҳақиқий бахтини белгилаб берадиган муҳим қонуний жараёнга, яъни ФҲДЁ бўлимидан қонуний эр-хотин бўлиб рўйхатдан ўтишларига баъзан енгил қараймиз. Сир эмас, кейинги пайтларда айрим ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари, катта ёшдаги кишиларнинг эътиборсизликлари туфайли, ёлғиз оналар сони кўпаймоқда. Айрим эркаклар оталикни тан олмаяпти. Агар чуқур ўйлаб кўрсак, бундай нохуш ҳолатларга фақат ўзимизнинг бепарволигимиз сабаб, холос.

Оила — муқаддас даргоҳ. Бу кўрғоннинг доимо бут бўлиши эса ўзимизга боғлиқдир. Мавжуд қонун-қоидаларга қатъий риоя қилсак, турмушимиз кўркам ва барқарор бўлиши тайин.

Шаҳло ҚЎЧҚОРОВА,
Каттақўрғон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси

ЭЪЛОН!

1. Жиззах вилоят адлия бошқармаси Пахтакор туман давлат нотариал идораси нотариуси;

2. Хоразм вилоят адлия бошқармаси Урганч шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8-372) 226-35-81, 226-39-22.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8-362) 226-40-42, 226-97-57.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси қошидаги адвокатлар малака комиссиясининг 2007 йил 19 майдаги қарорига асосан Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан Раҳмонов Иброҳимга 2005 йил 20 июлда берилган HZ-000169 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд оқловчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилганлиги маълум қилинади.

* * *

Хоразм вилояти адлия бошқармаси нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 23 майдаги қарорига асосан Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан Атаджанова Сайёра Джуманиязовага 1998 йил 25 декабрда берилган HZ-000038 рақамли нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 2 (икки) ой муддатга тўхтатиб турилганлиги маълум қилинади.

Gazetxon bekati

ҲАР СЎРОВНИНГ ЖАВОБИ БОР

Иш вақтида жароҳат олдим

— Мен иш вақтида жароҳат олдим ва ўзимнинг касбим бўйича ишлаш қобилиятини йўқотдим. Шу сабабдан иш берувчи мени ишга яроқсиз, деб ишдан бўшатмоқчи. Бу ҳолатда иш берувчининг ҳаракати қонунийми?

Ш.ПОЛВОНОВ,
Хоразм вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган **"Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари"**нинг 21-бандига мувофиқ, агар жабрланувчи меҳнат жароҳати туфайли аввалги ишини бажара олмаган такдирда иш берувчи жабрланувчини унинг хоҳишига кўра, тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) хулосасига мувофиқ, ўз ҳисобидан янги касбга ўқитиши шарт.

Янги касбга ўқитиш даврида жабрланувчига меҳнат жароҳати олгунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) тўланади. Мазкур даврда зарарни қоплаш суммасини тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Чироқни ўчириб кетишди

— Электр энергиясидан қарз бўлганимиз учун электр тармоқлари корхонаси ходимлари ҳеч бир огоҳлантиришсиз уйимнинг чироғини ўчириб кетишди. Бу ҳолат қонунга мувофиқми?

Р.ИБОДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри



– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан тасдиқланган **"Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"**нинг 118-бандига кўра, тўлов бўйича уч ойдан ортиқ қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда энергия таъминоти ташкилоти электр энергиясини бериш тўхтатилишидан камида бир ой олдин абонентни огоҳлантириш шарти билан фойдаланилган энергия учун абонент ҳақ тўламаганлиги муносабати билан шартномани бажаришдан бир томонлама тартибда воз кечишга ҳақлидир.

Электр энергияси бериш абонент томонидан қарз тўлангандан ва улаш харажатлари қоплангандан кейин навбатда туриш тартибида тикланади.

Электр энергияси учун қарздорлик билан боғлиқ бўлган энергия таъминоти ташкилоти ва маиший абонентлар ўртасидаги барча низоли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Шерзод РАБИЕВ жавоб берди.

Afsus

Қийшиқ мўридан эгри тутун чиқади

- **У барча идораларга ёлғон ва бўҳтондан иборат мактублар йўллади, кишиларнинг вақтини олди, асабига тегди.**
- **Бошқаларни қўрқитаман, деб ўйлади.**
- **Иғволари иш бермагач, очиқ-ойдин дўқ-пўписага ўтди.**
- **Ва... ниҳоят қилмишига яраша жазосини олди.**

... Суд Рустам Сафарниёзов ҳамда рафиқаси Нағималар ўртасидаги оилавий никоҳни бекор қилди ва оила мол-мулки иккига ажратиладиган бўлди. Шунда Нағима собиқ турмуш ўртоғи Рустамни суд ижрочиси томонидан рўйхатга олинган иккита гилам, битта телевизор ва столни яшириб қўйганликда айблаб, ҳуқуқий идораларга шикоят йўллади. Ўз навбатида шикоят юзасидан суриштирув ишлари олиб борилди. Рустам туман Ички ишлар бўлими терговчиси, суд ижрочиси ва оқловчиларнинг ушбу жараёндаги қонуний иштироклари ўзича норози бўлиб, уларга тўҳмат тошларини ёғдиришга ўтди. .. Юқори идораларга тинимсиз шикоятлар йўллади.



Шикоят хати бўйича туман ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширувлар ўтказилди ва хатда келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмади. Тўпланган материаллар жиноят иши қўзғатиш учун етарли бўлмаганлиги туфайли рад этилгач, Рустам яна бўҳтон, ифво отини қамчилади. У ўзгалар шаънига тўғри келмайдиган турли хил уйдирмаларни тўқиб чиқара бошлади.

Кейинги «ҳужум» оқловчига қаратилиб, Рустам зумда унинг ҳам «айб»ларини топди. Эмишки, у покиза инсон эмас. Бу гал ҳам ариза юқори ҳуқуқий идоралар томонидан ўрганиб чиқилди ва баъзилар назарида унда бирмунча асос бордек кўринди. Шу тариқа Рустам оқловчининг фаолият юритиш рухсатномасини маълум муддатга бекор қилинишига эришди ҳам. Аммо иш тегишли мутасаддилар томонидан яна қайта синчиклаб ўрганиб чиқилгач, ҳақиқат қарор топиб, оқловчи лицензияси қайта тикланди.

Рустам 2006 йилнинг май ойи охирларида маст ҳолда, туман суд ижрочилари бўлинмасига кириб келди. Эски «касали» қўзиб, бўлинма ижрочисини турли хил масалаларда айблашга уриниб кўрди.

У ўз кирдикорларини бу билан ҳам тугатмади. Жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, келгусида фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларига маънавий зарар етказган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида расман огоҳлантирилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади.

Қийшиқ мўридан эгри тутун чиқади деганларидек, Рустам тўҳматнинг янги-янги кўринишларини ўйлаб топа бошлади. У бу йўлда ўз яқинларини ҳам аяб ўтирмади. Жазирама ёз кунларининг бирида, маст ҳолда ҳамқишлоғи Олимбойнинг тўйида пайдо бўлди. Ҳе йўқ, бе йўқ, амакиси Бекпўлат билан уришиб кетди.

— Энди сени кўраман! Қамаласан, тамом-вассалом! – деб дағдаға қилди. Стол устидаги ош пичоғини олиб, ўзининг чап билагига бир неча маротаба санчиб олди. Сўнгра бегуноҳ Бекпўлатни жиноят содир қилганликда айблаб, туман Ички ишлар бўлими бошлиғи номига ариза ёзди.

Рустам фақат ўзгаларга тўҳмат қилишгина эмас, балки ўзига ишониб топширилган давлат маблағларини талон-торож қилишдан ҳам тоймади. Шу йўсинда у «Гидромеханизация» қурилиш ташкилотига тегишли бўлган «Т-171» русумли бульдозерни ҳеч кимдан тап тортмай, Хоразм вилояти, Янгиариқ туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи Қудрат Худойбергановга 1 миллион 500 минг сўмга сотиб юборди.

Келинг, яна тўҳмат мавзусига қайтайлик. Халқимизда, тўҳмат балосидан қўрқ, деган гап бор. Қолаверса, қадимий китобларда ҳам тўҳмат энг катта гуноҳ сифатида тилга олинган. Бежиз эмаски, қарияларимиз ҳар сафар фотиҳага қўл очганларида яратгандан ўт балоси, сув балосидан асраш билан бирга тўҳмат балосидан ҳам сақлашни сўрайдилар. Негаки, тўҳмат бегуноҳ инсонларнинг асаб торларини чертиб, соғлигини издан чиқаради. ووраи сарсон қилади...

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди Рустам Сафарниёзовнинг барча кирдикорларига нуқта қўйди. У Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида айбдор деб топилиб, қилмишига яраша жазоланди. Балки, бу жазо энди унга сабоқ бўлар....

Мирзаҳмад АЙМАНОВ,
Беруний туман прокурори

Буюк италян шоири Франческо Петрарка Флоренция ҳукмдори Петрарко дел Инчиз даврида нотариус оиласида туғилди. Петрарка (1304-1374) уйғониш даври маданиятининг асосчиларидан бири эди. Уни бутун оламга танитган ўлмас асари — Лаурага бағишланган «Қўшиқлар китоби» шеърий тўплами бўлган. 1315-1319 йиллари шоир Монпеледаги француз университетида таълим олди. Сўнгра Болоня университетида ўқишни давом эттирди.

Buyuklar muhabbati

Петрарка қалбидаги илоҳа



... Франческо хурмачадаги сувни тоғорага қуйди-да, кафтларини муздеккина тоза сувга ботирди. Мана, ҳозир у ювиниб бўлиб, соч гажакларини тараб олади-да, эрталабки ибодат учун Муқаддас Клара черковига йўл олади. Авиноида бошқа ибодатхоналар ҳам бор, бироқ Худога астойдил тавба-тазарру қилиб, кўнгилни поклаш негадир унга ана шу қадимий ибодатхона деворлари ичида руҳий таскин берарди. Франческо сўнгги кунларда унга азоб бераётган ва ранжитаётган муносабатлар сабабини англай олмай гаранг эди. Балки бу аввалги бебошларча кечирилган ҳаёти учун берилган жазодир? Франческо яна ўзини қўлга олиш учун нима қилиши, қайси йўлни танлаши лозим? Ўсмир йигит сўнгги бор сочларини енгил силаб, остонадан ҳатлаб ўтди-ю, кўчага чиқиб кетди. 1327 йилнинг 6 апрели, эрта тонг, душанба куни эди.

Қуёшнинг ёрқин нурларидан дафъатан ибодатхонанинг ғира-шира хонасига кирган чоғда, унинг кўзлари тиниб кетди. Франческо кўзларини очар экан, аввало, шамларнинг хира ёғдусини кўрди ва ана шундан кейингина одамларни илғай бошлади. Улар йигирмага яқин, асосан, ёши ўтган аёллар ва болалар эди. Шундоққина ёнида, ўзидан икки қадамча нарида бир хоним турарди. Ким билади, балки ўсмир қиздир? Нозикниҳол қадди кенггина ёрқин либосларга бурканган, кичкинагина бармоқчалари эса тасбеҳ ўгириб турарди. Бу ҳолатдан Франческо негадир ҳижолат чека бошлади. Ҳатто, Парвардигорга ибодат қилар экан, ёнидаги ёш аёлдан кўзини узмасди. Ибодатдан сўнг у аёлнинг ортидан изма-из кетди. Франческонинг қалби ёришиб кетган, боз устига вужуди титрар эди. Ҳа, ўспирин муҳаббат дардига мубтало бўлганига сира шубҳа қилмасди. Во ажабо, бу номаълум гўзал аёл ким бўлдийкин? Кимнинг қизи экан?

Ёш шоир, афсуски, у кимнинг қизи эканлигини аниқлай олмади. Бироқ, кимнинг рафиқаси эканлигини айтишди. Бу бахтиёр инсон Гуго де Сад эди.

Кечагина беғам, беташвиш юрган йигитча ўтли сатрларга тўла ишқий нома битар экан, маҳбубасини учратган ўша кун ҳаётидаги энг мазмунли ва унутилмас лаҳзаларга бой, эҳтиросли кун бўлиб қолишини ўйлаганмикин?..

Албатта, аёл ҳам ортидан изма-из таъқиб этиб келаётган йигитни пайқаганди. Франческонинг ўтли нигоҳи уйига қадар унча узоқ бўлмаган масофада аёлнинг қалбини оташтдек куйдириб борарди. Ана шу дақиқалардан бошлаб, Лаура эрта-ю кеч у ҳақда ўйлай бошлади. Кечки ибодат одатдагидан бошқачароқ кечди. Ахир, у бегона, ўктам йигит ишқида куйиб, гуноҳга ботганди-да! Унинг эри, саховатли рицарь Гуго де Сад ҳатто хаёлан бўлсин, хиёнатга муносиб инсон эмасди. Ҳа, у баъзи вақтлари меҳрибон бўлмагандир, балки жиндай хасислик ҳам қилгандир. Бироқ бир марта бўлсин Лаура эридан кўпол гап эшитмаганди. У фарзандлари ҳақида бошқалар ҳавас қилгудек даражада ғамхўрлик қилар эди. Аммо орадан бир неча кун ўтди ҳамки, ёш аёлнинг оёқлари беихтиёр равишда ўша ёзи билган йўлдан Муқаддас Клара черкови томон судрай бошлади...

Одатдагидек, Франческо олдинги жойида турарди. Аёл пайдо бўлиши билан унинг ранги бўздек оқариб кетди! Соҳибжамол юзига тортилган пардани бироз кўтарар экан, йигитни ўтли нигоҳидан бахраманд этиб, ўзини жиддий тутишга уринди. Франческо хонимнинг олтиндай товланаётган сочларини-ю шаҳло кўзларини кўра олди, холос.

Ана шу кундан бошлаб, бу ҳол давом этаверди. Маълум бир кунларда, айнан ўша вақтда Лаура черковга келар, бу ерда эса уни ёш йигит интизорлик билан кутарди. Илк учрашув дамларида унинг боқишлари шодлик ва дардни акс эттирган бўлса, маълум вақт ўтгач, фақат завқу шавқни ифодалай бошлади. Бу ғалати йигитнинг исми Франческо Петрарка эканини, унинг ўзига бағишлаб шеърлар битишини Лаура тасодифан эшитиб қолди. Кўчада бегона одамлар уни кўришлари биланоқ, қўлларини ниқтаб «Қаранг, мана у Франческо Петрарканинг илҳом париси!» дея гапиришарди. Бир куни бозорда унинг хизматчисига номаълум шахс яқинлашиб, бир варақ қоғоз тутқазди. Лаура ўзи учун битилган шеърий сатрларни мароқ билан ўқиб чиқди ва унинг мафтункор кўзларидан ёшлар оқа бошлади. Шўрлик аёл аниқ тушуниб етди — бу телба Франческо ҳеч қачон унинг қўлларидан тутмайди. Лаура унинг учун фақат илоҳий маъбуда, поклик ва эзгулик тимсоли бўлиб қолаверади...

Орадан йиллар ўтди. Лаура ҳар доимгидек черковга келар, ибодатдан сўнг Франческо томон бир нигоҳ ташлаб қўярди. Кунларнинг бирида у қўлқопини тушириб юборди. Петрарка уни ердан олиб берди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг ёрқин воқеа бўлиб қолганди.

Тақдири азални қарангки, Лаура 6 апрелда, Франческо билан илк учрашувига 21 йил тўлган кунда ўлат касаллигидан вафот этади. Кўпчилик, шу жумладан, Петрарка ҳам шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади.

Орадан бир неча ҳафта ўтиб, ўлат чекина бошлагач, у бўм-бўш бўлиб қолган Авинонга қайтади ва муқаддас Клара черковига келади. Франческо узоқ муддат маҳобатли бино олдида турар экан, ичкарига қадам босишга ботина олмайди. У энди мана шу бино ичида ҳеч қачон Лаура билан учраша олмаслигини яхши биларди. Соғинчга тўла, чидаб бўлмас кўнгил изтироби Петраркани ибодатхонадан уйи томон етаклади. Тезда қоғоз олиб, унга **«Лаура ҳаётига бағишланган шеърлар»** деган ёзувни битди-да, тахламдаги қоғозлар устига қўйди. Сўнгра бошқа қоғоз варағини олиб, титраган қўллари билан **«Лауранинг вафотига бағишланган шеърлар...»** деган сўзларни ёзди.

Франческо Лауранинг вафотидан сўнг 26 йил умр кечирди. Лаура вафот этганига қарамай, Франческонинг ижодига илҳом бахш этиб турарди. Петрарка суюкли маҳбубасига бағишлаб, 300 дан зиёд сонетлар, балладалар яратди. Италиялик шоир қаламига мансуб кўплаб асарлар мавжуд бўлса-да, айнан сохибжамол Лаура де Новга бағишланган шеърлари туфайли улкан шуҳрат қозонди...

1341 йили Петраркага Капитолийда гулчамбар кийдиришди. Ана шу дақиқалардан бошлаб, Франческо Петрарка биринчи рақамли шоир ва Римнинг фахрий фуқароси бўлиб қолди...

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

Holat

БОБОМ ХАФА БЎЛДИ...

Яқинда қишлоққа бордим. Қон-қариндош, ёр-жўра дегандай.. Ҳаммасини бир-бир «зиёрат» қилиб чиқдим. Бу гаштли кунларнинг оғушида сармаст бўлиб, шаҳарга қайтиш фурсати етиб келганини сезмай қолибман. Эртага кетаман, деган куним бобом билан узоқ суҳбатлашдик. Гурунг асносида мен уни қизиқтирган мавзу — пойтахт ва пойтахтликлар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб бердим. Суҳбат охирида уни пойтахтга бирга кетишга кўндирдим...

Чошгоҳ палласида шаҳарга етиб келдик. Ижара уйим томон йўл олдик. Шаҳарни таништирдим. Бобом ёш боладек бир қувонди. Уни бугунги Тошкентнинг кўркамлиги-ю, салобати завқлантирди.

— Бундай улуғ ишларнинг бошида турган юрт эгасига минг раҳмат! Ўнлаб йилларда қилиб бўлмайдиган бу даражадаги бунёдкорлик ишларини шундай қисқа фурсатда амалга ошириш катта жасорат, болам, — деди бобом шивирлаб худди ўз-ўзига гапирган каби.

Эртасига дарсдан келибок, уни шаҳар сайлига олиб чиқдим. Амир Темур хиёбони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Мустақиллик майдони, Мотамсаро Она ҳайкали, Шаҳидлар хотираси хиёбони.. эҳ-ҳе, роса айландик.

Анчагача атрофни кузатдик. Бобом хурсанд эди... бир маҳал рўпарамиздан келаётган бир гуруҳ ишларни кўриб каловланиб қолди.

Ярим-яланғоч «нозанин»лар олдимиздан салом-аликсиз, ҳаҳолашиб қулишганча ўтиб кетишганида эса.. очиғи, мен ҳам анчагина мулзам бўлдим.

Бироз қўпол бўлса-да, айтай, корнининг ярми кўриниб турган кофта, тиззасигача келадиган сони йиртиқ шим, ҳурпайган, алламбало рангларга бўялган сочлар... ўзбек қизлари...

Очиғи, бу манзара умри далада ўтган, кафти кетмоннинг сопидан қаварган, ўзи айтганидек, озиб-ёзиб шаҳарга бир чиққан такводор, нуроний чолга ўта ғалати, ўятли кўринганди. Бобом ерга тикилиб, узоқ ўйга чўмиб қолди...

Азизбек ШОҚҚУЛОВ,
ТДЮИ талабаси

Istehzo

Одамга уят ҳам керак-да..

ёки айрим «ёзғувчи»ларнинг китобсотарлигига ишора

Илм даргоҳида раҳбар бўлиб ишлаётган танишим ҳасрат қилиб қолди:

— Ишхонамда кундалик ташвишларга кўмилиб ўтиргандим. Ҳузуримга бир нотаниш киши савлат тўкиб кириб келди. Афт-ангоридан билдимки, у киши меҳмон, ҳурматини жойига қўйиб, сўращдим. Бироздан сўнг у ён чўнтагидан ҳужжат чиқариб, ўзини фалон газетанинг муҳбири, деб таништирди. Сўнг стол устига қўйган қора чарм папкасини очганича:

— Сиз раҳбарлик қилаётган коллеж фаолиятини ўрганиб, мақола ёзишим керак, — деди қатъият билан.

— Ака, куни кеча марказий газетанинг вилоят муҳбирларидан бири келиб, икки-уч кун шуғулланди. Энди яна сиз шуғуллансангиз, — эътироз билдирдим.

У бироз ҳижолат тортгандай бўлди ва:

— Ҳа, майли, лекин бир илтимосим бор. Яқинда китоб чиқарганман. Ўша китобимдан 100 таси машина юкхонасида турибди. Ўшандан 50 тасини сизга ташлаб кетсам. Бир ҳафта ичида сотиб, пулини накд қилиб қўйсангиз, ўзим олиб кетаман, — деди.

— Неча пулдан? — сўрадим ундан.

— Менга ҳар бири учун 3 минг сўмдан берсангиз бўлди. Қолгани сизнинг ҳаққингиз. Талабаларга бўлиб берсангиз, ишларимиз тез битарди.

Унинг гапларини эшитиб, чуқур хаёлга ботдим. Яхши, ўқимишли китоб бўлса, унга китобхон излаш шарт эмас. Керак бўлса ўзи топиб олади. Бунинг устига ҳузуримдаги «ёзғувчи» акамизнинг китоби кирилл алифбосида чоп қилинган. Илм даргоҳидаги талабалар эса лотин алифбосида таълим олишса.

Акамизнинг китобини ўқишга саводи етмайди. Шуларни ўйлаб розилик бермадим. Меҳмоннинг қовоғи уйилиб, бироз жим қолди. Сўнгра:

— Бўлмаса машинамга йигирма литр бензин қуйиб берасиз, — деди хафалигини яширмай.

Хуллас, ёзувчи акамиз қовоғини уйганича, хонадан чиқиб кетди.

...«Суҳбатдошимнинг ҳасратини эшитиб, ўзим гувоҳ бўлган китоб чиқариш ва уни сотишдаги ҳангомаларни ёдга олдим. Илгари ҳар қандай босмадан чиқаётган бадиий китоб муҳокама қилиниб, сўнг унга «оқ фотиҳа» бериларди. Муҳокамадан эсон-омон ўтган асар муаллифи дўпписини осмонга отарди. Ҳа, энди замон ўзгарди. Босмаконалар кўпайди. Шахсий босмаконалар пайдо бўлди. Қарабсизки, кўпчилик акахонларимиз ҳам китоб ёзадиган бўлиб қолдилар. Ҳар бир китобларки, сўз бошини пойтахтдаги казо-казо шоиру адиблар битишган. Бекорга эмас. Чунки шундай қилинса, китоб тез чиқади. Қолаверса, салмоқдорроқ ҳам бўлади. Шу тариқа нашрдан чиққан китоблар талабалар бошида ёнғоқ чақиб, пулга айлантирилади.

Китобхоннинг назарига тушмайдиган, мазмуни ҳам ўртамиёна «асарлар» кўпинча халқ таълими, саноат корхоналари, банк, соғлиқни сақлаш тизими, коллежларда мажбурий тартибда бозорга солинади. Чунки бундай корхона ва муассасаларда савдо тез юришади. Китоб савдосидаги бу қинғирликларнинг ҳар қадамда учраб туриши жуда афсусланарлидир.

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

— Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига қулоқ тут, деганлари ҳақ гап экан. Бир кун олдин жияним келиб, бозорда ароқ сотишни бас қилинг. Ҳукуматимиз алкоголь маҳсулотлар савдосотиғини тартибга солиш қарор қабул қилди. Энди тўғри келган жойда махсус рухсатномасиз алкоголь маҳсулотлари сотиш мумкин эмас. Ўзингизни йиғинг, тоға, — деган эди. Унинг гапига эътибор бермай, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, қабилида иш қилдим. Ароқ сотиш учун бозорга чиқдим.

Qonundan chetga chiqmang

Чакки бўлди, жиян!

Шу куни Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги **«Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарорининг ижросини таъминлаш учун тезкор тадбир ўтказишаётган экан. Аксига олгандай, нафсим ўпқон отиб, 115 минг сўмлик алкоголь маҳсулотларини савдога чиқарган эдим. Алкоголь маҳсулотлари сотиш рухсатномаси йўқлиги ҳамда сотиладиган маҳсулотнинг сифат сертификати, шунингдек, мен савдо қиладиган жой талабга жавоб бермаганлиги туфайли Давлат солиқ инспекцияси ходимлари цехга тегишли бўлган маҳсулотни қонун йўли билан мусодара қилдилар. Чакки бўлди, жиян, чакки бўлди...

«Тоға»нинг мухбиримиз Азим ҚОДИРОВга айтган гапини Нуробод туман Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Файзулла АҲМЕДОВ шундай шарҳлайди.

— Дарҳақиқат айрим сохта тадбиркорлар қонунга хилоф равишда истеъмолга яроқсиз, акциз маркаси ва сертификати бўлмаган алкоголь маҳсулотларини сотиш билан шуғулланмоқдалар. Нуробод шаҳри Т.Ўсанов кўчасида истиқомат қилувчи сохта тадбиркор Фаррух Ҳайитов ҳам шундай кимсалар тоифасидан бўлиб чиқди. Унга тегишли 72 дона истеъмолга яроқсиз қўлбола ароқ маҳсулоти мусодара қилинди. Шунингдек, Нуробод шаҳрининг А.Темур кўчасида истиқомат қилувчи Ражабой Бекмуродованинг ҳам хурмача қиликларига нуқта қўйилди. Ражабой ҳам Фаррух сингари мазкур қарорга зид равишда алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилаётган экан. Унинг ҳам бисотидаги 23 дона ноқонуний алкоголь маҳсулоти давлат ҳисобига мусодара қилинди ва уларга нисбатан қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланди.

Илҳом ЗУҲУРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг раиси

Кун бўйи уйида телевизор кўриб «зериккан» Азамат кечки пайт шаҳарга отланди. Мабодо дўстларидан бири учраб қолса, кўпдан буён бошида чархпалакдек айланаётган ниятини амалга оширишни мўлжаллади.

Qilma, toparsan...

Текин суяк томоқ йиртар

Тасодифни қарангки, шаҳардаги Менделеев номли кўча бўйлаб санғиб юрган Азамат Ҳасановга дўсти Низомиддин Илмуродов дуч келди. Ҳар иккала тенгдош худдики кўп йиллардан буён дийдор кўришмагандек, қулочларини кенг очиб кўришдилар:

— Э, жўражон, қайларда қолиб кетдинг. Қоранг ҳам кўринмайди? Соғинтириб қўйдинг-ку, — қувончини яширмади Азамат...

Ҳол-аҳвол сўрашгач, Азамат билдики, қадрдони қипқизил бекорчи. Шу сабаб вақтни бой бермасдан, муддаога кўчди.

— Жўражон, хўп десанг, менда бир таклиф бор. Пул топишнинг жуда осон йўли.

— Шундай де, қани эшитайлик-чи, нима гап экан?

— Хилватроқ жойни топиб, ўзаро гурунглашиб турган бўламиз. Биттаяримта қулай «ўлжа» тўғри келса, қўл телефонини олиб қочамиз-у, сўнг сотиб юборамиз...

Улар келишиб олишди. Термиз шаҳар А.Навоий кўчасида истиқомат қилувчи Рашид Хўжамқулов Тошкентдан келган таниш-ларини шаҳар меҳмонхонасига жойлаб, уйга қайтаётган эди. Бир пасдан сўнг содир этилажак босқинчиликдан хабари йўқ Рашид бамайлихотир уяли телефонда гаплашиб борар, унинг ортидан сездирмай изига тушган ҳамтовоқлар-нинг қора ниятларидан мутлақо бехабар эди. Ортидан келиб, талончиларнинг беҳосдан унинг тўғри келган жойига туширган зарбларидан Рашид ерга йиқилди. Талончиларнинг ниятини шу лаҳзадаёқ тушуниб етган. Р.Хўжамқулов қўлидаги «Моторолла» русумли уяли телефонни маҳкам қисганча қаршилик кўрсатди. Шу пайт Низом жабрланувчининг қўлини қаттиқ тишлади. Оғриқ азобига дош бериш қийин эди. Талончилар уяли телефонни олганча, 5-кичик даҳа томон қочиб қолишди...

Шундан сўнг талончилар Ат-Термизий кўчасидаги «Акмал-Холис» савдо дўкони ёнида нотаниш киши ёнига бориб:

— Ака, бизга пул зарур бўлиб қолди. Йигирма минг сўм қарз бериб туринг. Мана, уяли телефонни гаровга қўйиб кетамиз, — дейишди.

Улар ўзаро келишишди. Йигирма минг сўмнинг тўрт мингини Азаматга берган Низом, қолган пулни чўнтагига солиб: «Менинг қарзим бор, шундан қутулай, сени кейин рози қиламан», деб жуфтакни ростлади.

Орадан бир неча кун ўтди. Содир этилган қинғир ишнинг миси чиқмади. Талончилар ўз сафига Термиз туманидаги Янгиариқ ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Олимжон Нарзуллаевни ҳам шерик қилиб олишди.

Жабрланувчи Неъматулло Шойқулов ва Нарзуллаевлар содир этган жиноятлари учун турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукм ўқиб эшиттирилди.



Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Аммо ҳали ҳаётга эндигина қадам ташлаган ёш, навқирон йигитларнинг оёғига тикан қадалиши кўпчиликни ўйлантириб қўйиши табиий.

Илҳом ЗУҲУРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг раиси

Адлия вазирлиги жамоаси Наманган шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Эркинжон АБДУВОҲИДОВнинг** *бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.*

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Дилфуза РАҲИМБЕКОВА
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-515. Тиражи — 4098. Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 18.40
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
2 3 4 5